

---

## ЖАРАНГЛАДИ, СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ!

Инсон ҳаётининг энг унитилмас ва эсда қоларли даври бу мактаб даври. 11 йил давомида мактаб бағрида устозлари ва қадрдон синфдошлари билан ўтган ҳар бир сония бир умрга таътигулик хотиралар бўлиб қолади.

Туман марказидан узоқда жойлашган 32-умумтаълим мактабида “Илмни қадрланг, илмга интилинг!” шиори остида ташкил этилган сўнги қўнғироқ тадбирида 22 нафар 11-синф, 53 нафар 9-синф битирувчиларни катта ҳаётга кузатилди.

Тадбирни туман ҳокими Дилшоджон Джалилов очиб, Президентимизнинг битирувчиларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

2022-2023 ўқув йили давомида ўз касбига садоқат билан хизмат қилган фидоий устозлар ва намунали хулқи ва одоби билан тенгдошларига ўрнак бўлган ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари туман ҳокимининг Ташаккурномалари билан тақдирландилар.

Битирувчи ўқувчилар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар байрамга юқори кайфият улашди. Ҳар бир битирувчи ҳаётда ўз ўрнини топишини тилақдошимиз.

Маълумот ўрнида: жорий ўқув йилида туман бўйича 1028 нафар ўғил-қизлар 11-синфни битиришяпти. Уларнинг 85 фоизи олий ўқув юртларига кириш истагини билдиришган. 9-синфни битираётган 2051 нафар ўқувчидан 58.8 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттиришмоқчи.

Туманимиздаги барча мактабларда сўнги қўнғироқ тадбирлари кўтаринки руҳда ўтди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМИЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-05-26 15:45:31